O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

O‘ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 20-avgust • Payshanba • 98 (30.059) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

миллий ғурур таянчи ва суянчи

Инсон доимо эртанги куннинг орзуси ва ўй-хаёли билан яшайди. Бошдан ўтган қийинчиликларни эса нима учундир тез унутади, ҳамиша ҳам эслайвермайди. Аммо бугунги ёруғ кунларнинг, ҳаётимизга файз киритаётган ўзгаришларнинг қадрига етиш учун кечаги кунга бир назар ташлаш, бошимиздан ўтган машаққатларни эслаш жоиздир.

Бугун саксонинчи йилларда Наврўз байрами қатағон этилганини кўпчилик ёшлар билмайди. Шу маънода 1990 йилнинг 5 январида республика раҳбарияти «Наврўз» байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалани муҳокама этиши, «21 март — «Наврўз» миллий байрами кунини дам олиш куни қилиб белгилаш тўғрисида» ҳукумат қарор қабул қилиши маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлган.

1991 йилнинг 28 сентябрида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилган Ўзбекистон миллий боғи ва Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросими бу соҳадаги ўзгаришларни баланд мақомга олиб чиқди, десак, хато бўлмайди.

1992 йилнинг 2 октябрида давлатимиз раҳбари буюк оллома Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилади ва қадамжо билан танишиб чиққач, қутлуғ осори атиқани қайта тиклаш ҳақида дастурий кўрсатма беради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги муносабати билан зиёратгоҳда амалга оширилган ишлар беқиёсдир.

1993 йили Абдулхолиқ Ғиждувоний қадамжоси тубдан қайта таъмирланиб, обод этилди.

Бугун бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Ўтиш даври» деб аталган ўша машаққатли йилларда миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш борасида буюк ва бетимсол ишлар қилинди. Бутун мусулмон оламида муборак зиёратгоҳ ҳисобланган Имом Бухороий ансамблини бир кўз олдингизга келтиринг! Ёки бўлмаса, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, «Шаҳидлар хотираси», Хастимом мажмуаларини олайлик. Уларнинг қайси бири ўзининг мумтозлиги, бетакрорлиги билан кишини ҳайратга солмайди?!

Шу маънода, таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти — АЙСЕСКО 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиши диний қадриятларни эъзозлаш борасидаги ишларимиз эътирофи эмасми.

Истиқлол шарофати, Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг армонли орзулари ушалди. Бунинг бир мисол сифатида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонланганини эслаш кифоя. Шу муносабат билан гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи давлат музейи барпо қилинди. Амир Темур ордени таъсис этилди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуғ Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилди. Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида «темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмаси ўтказилди.

2-бет





«Шарқ тароналари — 2009»

ФЕСТИВАЛГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН БОРАЯПТИ

Дунёнинг қадим шаҳарлари ва йирик маданият марказлари ҳисобланган Рим, Афина, Қоҳира, Бобил тенгдоши бўлган Самарқандда «Шарқ тароналари» 7-халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қизғин бораяпти. Айни кунларда мусиқа байрами муносабати билан шаҳарда кенг қамровли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Регистон майдони, унга туташ кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилмоқда, таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилаяпти. Шаҳар дарвозалари ҳисобланган Темир йўл вокзали, Аэропорт тўлиқ қайта реконструкция қилиняпти. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюриши кутилаётган Шарқ мусиқа ижрочилари, ихлосмандлари ва бастакорларини кутиб олишга сўнгги тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқда.

— Бу йил 7-маротаба ўтказилаётган фестивалда 60 дан зиёд давлатдан қатнашиш истаги билдирилган аризалар қабул қилинган. Бу йилги фестивалда Жанубий Америкадан ҳам қатнашчилар ташриф буюришади. Ҳозиргача 50 дан ортиқ давлатларнинг иштирок этиши аниқ бўлди. Қолганлари фестивални ўтказувчи Республика ташкилий гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилмоқда, муҳокама этилаяпти, — дейди фестивал бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишдан кўзланган мақсад — Шарқ халқлари миллий қўшиқларини кенг оммага етказиш, ёш авлодни санъатга меҳр руҳида тарбиялаш, эзгу анъаналарни асраш, дўстликни, халқлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат. Айни кунларда Самарқанднинг Регистон майдони ҳақиқий байрам оғушида. Фестивалнинг тантанали очилиши ва ёпилиши муносабати билан театрлаштирилган саҳна кўринишлари тайёрланмоқда.

4-бет

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУҒ ИМОРАТЛАРИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» юзасидан амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров ва вазирлик масъул ходимлари Дастур бўйича бажарилган ишлар тўғрисида маълумот бериб, оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир, дея бежиз айтилмайди. Чунки шу қутлуғ даргоҳда олинган таълим-тарбия ҳар бир инсоннинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мустақиллик йилларида мактабларимизни замон талаблари даражасига етказиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини янада юксалтириш, ўқитувчилар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Айнан шу соҳада бажаришимиз лозим бўлган ишларимиз кўламини «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» аниқ белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

мамлакат тараққиётига самарали ҳисса қўшиш, ташаббус ва ибрат кўрсатишда

Делегатлар, партиямиздан сайланган маҳаллий Кенгашлар, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятини кучайтириш, депутатлар фаоллигини ошириш юзасидан ўз фикрлари, таклифлари билан келдилар. Қашқадарё вилоят партия кенгаши конференциясида улар, аввало, вилоят аҳли, жамоатчилиги Истиқлолимизнинг 18 йиллик байрамини муносиб ютуқлар билан кутиб олаётганини таъкидлашди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот вилоятда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 8,5 фоизга ўсди. 3,6 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилиб, 216 та янги кичик корхона барпо этилди ва уларда 1370 киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йил охирида Юртбошимиз кўрсатмасига биноан Қашқадарё бошоқли дон селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ташкил топган эди. Қишлоқ хўжалигида кечаётган бу ислоҳотлар, заҳматли меҳнат самараси ўлароқ, воҳа тарихида илк бор шу йилда 1 миллион тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Олим Равшанов конференциядаги маърузасида воҳада кечаётган ушбу ислоҳотлар, уларда партия ташкилотлари, фаоллар, депутатларимизнинг иштироки ва электорат манфаати билан боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил қилди.

— Мамлакатимизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурларида белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришда янада фаол иштирок этиш барчамизнинг бурчимиздир, — деди у. — Амалга ошаётган улкан бунёдкорликлар халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилган. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида катта ютуқларга эришилди. Буларнинг барчасида партиядошларимизнинг ўзига хос ҳиссаси бор, албатта. Аммо бугун биз сизлар билан ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурини жойларда ижро этилишидаги иштирокимизни яна бир бор чуқур таҳлил этиб олишимиз лозим. Чунки ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши электоратимиз манфаатлари билан бевосита боғлиқ.

Хўш, бу жараёнда биз масалага қандай позицияда туриб ёндашамиз, қандай ташаббусларни кўтарамиз, қандай таклифларни илгари сурамиз? Булар барчаси биз учун муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир.

Партиямиз Дастури қабул қилинган V қурултой, агар таъбир жоиз бўлса, партия ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Шундан сўнг ўтган даврда вилоят партия ташкилоти фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди.

Бу ўринда айниқса, Жамоатчилик қабулхоналари иши анча жонланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтган даврда 2000 дан ортиқ фуқаролардан турли ижтимоий-иқтисодий масалаларда ёрдам сўраб мурожаатлар тушди. Уларнинг кўпчилиги фаолларимиз, депутатлар ва ҳомийлар кўмагида ҳал қилинди.

Айримлари юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Баъзи масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Шунингдек, фуқароларга яқиндан ёрдам, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, электорат сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда партия кенгашлари қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларининг аҳамияти ҳақида тўхталмоқ зарур. Улар етарли сиёсий, ҳуқуқий адабиётлар, матбуот нашрлари билан таъминланган.

Бироқ бу муҳим ишга Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши, Косон, Яккабоғ, Нишон туман кенгашлари етарли эътибор бермаяпти.

Партиявий ишнинг самарадорлиги, одамлар эътиборини қозониш биринчи навбатда бошланғич ташкилотлар иш услубининг такомиллашиб бориши, электоратни ташвишга солаётган масалаларни қанчалик даражада кўтариб чиқа олишига боғлиқ. Доимий эътибор талаб қиладиган бу ўта масъулиятли вазифани доим ёдда тутишимиз лозим. Айни пайтда 886 та бошланғич партия ташкилоти 30 мингдан ошиқ аъзони бирлаштириб турибди. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида БПТга 286 нафар янги раис сайланди. Афсуски, бу катта кучдан самарали фойдалана олаяпмиз, деб айтолмаймиз.

(Давоми 2-бетда)

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

2



ГРУЗИЯ МАҲ ТАРКИБИДАН ЧИҚДИ

3

УЧ АСРНИ КЎРГАН МОМО

4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

мамлакат тараққиётига самарали хисса қўшиш, ташаббус ва ибрат кўрсатишда

Комила КАРОМОВА, ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати:

— Вилоятимизда партиямиз аъзоларининг 8400 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Фаол аёлларимиздан 36 нафари шаҳар ва туман, 2 нафари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган. Партиямиз Дастурида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Мен шу ўринда аёллар фаоллиги масаласига тўхталмоқчи эдим. Агар Қарши шаҳрида 62 та маҳалла бўлса, уларнинг барчаси аёллар, қизларимизнинг меҳнат қилиши, ижтимоий ҳаётга фаол қатнашиб туриши борасида яхши тажриба тўплаган. Қарши шаҳар Кенгаши депутатлари Норгул Мустафоқулова, Муборак Элмуродовалар раислик қилаётган маҳаллаларни бунга ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Яна бир маҳалла раиси, партиямиз фаоли Гулчеҳра Примқулова ташаббуси билан бу йил 25 та янги иш ўрни яратилди. Бунинг натижасида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги анча ошди. Демак, маҳаллаларда амалий ишларни кўпроқ олиб бориш талаб этилмоқда. Бундан электоратимиз бевосита манфаатдор эканини ёддан кўтармайлик.

Ашур НОРБОБОЕВ, ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Вилоятимизнинг жанубий-шарқида жойлашган, қишлоқлари бир-биридан узоқ туманимизда ўзига хос муаммолар бор.

Транспорт қатнови, аҳолига тиббий, савдо, алоқа, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ечимини кутаётган масалалар анчагина. Аммо фақат муаммоларни санаш билан аҳвол ўзгармаслигини яхши тушунамиз. Бунинг учун биздан ташаббус, амалий таклифлар кутиляпти.

Туманда 3 та коллеж бор. Уларда кадрлар тайёрлаш тизимини кўриб чиқиш, эҳтиёжга қараб корхоналар, қишлоқ хўжалиги, яқин икки-уч йилда юзага келиши кутилаётган соҳаларда меҳнат қиладиган ёшларни тарбиялаш лозим. Афсуски, бу борада оқсашлар бор. Жамоатчилик қабулхонаси, партия кенгашимизга кўплаб фуқаролар мурожаат қилишмоқда. Партиямиздан сайланган 13 депутат, фаоллар иштирокида уларни ҳал қилишга эришаяпмиз. Одамлар партиямизга ишонади. Амалий иш, кўмак кутади. Сукут сақлаш, муросасозлик қилишга ҳаққимиз йўқлигини эса ҳар доим ҳам тушуниб етмаяпмиз.

(Давоми. Боши 1-бетда)



Баҳодир ЮСУПОВ, ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Партия ҳаётида биз ёшлар муҳим ўринни эгаллашимиз зарур. Энг долзарб вазифаларимиздан бири — ўсиб келаётган, катта ҳаётга қадам қўяётган, сиёсий жараёнларга қизиқадиган, қарашлари партиямиз Дастурига ҳамоҳанг ёшлар орасидан фаоллар қатламини шакллантиришдир. Бунинг учун «ЎзХДПда ёш сиёсатчи» танловлари ўтказилаяпти. Партия кенгашлари қошида «Ёш сиёсатчи» клублари ташкил этилган. Улар ёшларнинг дунёқараши шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топишига маълум маънода хизмат қилаяпти. Аммо биз бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, сиёсий партияларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш учун фаолиятимизни кескин кучайтириш йўлларини ўйлашимиз зарур.

Жумақул ҚУРБОНОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партиямизнинг мақсад ва ғояларини рўёбга чиқариш, давлат бошқарувида иштирокини кучайтириш депутатларимизнинг фаолиятига бевосита боғлиқ. Ўтган сайловларда шаҳар ва туман Кенгашларига 201 нафар депутат сайланган эди. Вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз 28 депутатни бирлаштириб турибди. Ўтган даврда 7 та муҳим масала доимий комиссиялар ва вилоят Кенгаши сессиялари муҳокамасига киритилди. Уларда коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар, халқ таълими тизимидаги ислоҳотларнинг бориши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги камчиликлар, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари ҳокимликларининг коллежларни битирган ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлари ва бошқа муҳим ижтимоий масалалар қамраб олинди. Муҳокамалар натижасида тегишли қарорлар қабул қилинди, амалий ишлар олиб борилди. Бу яхши, албатта.

Лекин шундай масалалар туғиляптики, уларни чуқур ўйланган режалар асосида ечиш мумкин. Бунинг учун партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларидан жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, керак бўлса, илмий нуқтаи назардан, амалиётдан келиб чиқиб баҳолаш, бу жараёнга экспертларимизни фаол жалб этиш, тегишли муқобил ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб, муҳокамага киритиш талаб этилмоқда.

Тўғри, бу борада тажрибамиз етарли эмас. Бироқ тажриба қачон пайдо бўлади... Энг муҳими, депутатларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлашлари, партиямиз Дастурида кўрсатилган вазифаларни бир дақиқа бўлсин, эсдан чиқармасликлари шарт. Қамаши, Миришкор, Косон, Муборак, Шаҳрисабз туманларидаги депутатлик гуруҳларимиз суст иш олиб борганликлари, етарли ташаббус кўрсатмаганликларини ҳам очиқ айтиш керак.

Сафар ОСТОНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми аъзоси, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:

— Ўтган беш йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган сиёсий ислоҳотлар сиёсий партиялар учун катта имкониятларни яратди, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтирди.

Биз ўз фаолиятимизга баҳо беришда ана шу имкониятлар ва одамларнинг партияларга ишончи ҳамда талаби ошиб бораётганини ҳисобга олиб, хулоса чиқаришимиз керак. Тўғри, кейинги йилларда ЎзХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки фаоллашаётгани сезилмоқда. Буни Қашқадарё вилоят партия ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишлар оз эмас. Аммо, партия ташкилотининг фаоллиги ҳақида гап кетганда, кўпинча у ёки бу қонун ва қарорлар ижроси назорати бўйича амалга оширилаётган ишларни санаймиз. Бугунги конференцияда ҳам бу ҳақда кўп мисоллар келтирилди. Ўйлаб қарасанг, ҳайрон бўласан киши. Нима, сиёсий партиянинг вазифаси фақат давлат миқёсида қабул қилинган қарор ва дастурлар ижроси назоратини таъминлашдан иборатми?

Мамлакатнинг, вилоят ёки туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ масалаларда нега партия ташкилотларимизнинг қатъий позицияси сезилмаяпти? Электорат манфаати билан боғлиқ аниқ таклифларимиз нега кам? Ташаббус нега етишмаяпти? Ҳаётдаги муаммолар ечими бўйича муқобил дастурларни тавсия эта олаяпмизми?

Шунингдек, партия ташкилоти, фаоллари ва депутатларимизнинг сиёсий воқеа-ҳодисаларга муносабати қай даражада? Узоқ-яқин жойлардан, баъзан ён-атрофимиздан туриб, мамлакатимиз, миллатимиз манфаатларига қилинаётган зид ҳаракатларга нисбатан ўз позициямизни фаол билдираяпмизми? Бу масалада партиямиз фаоллари, депутатларимизнинг партия матбуотида чиқишлари нега кам?

Бу саволлар устида жиддий ўйлаб, тегишли хулосаларни чиқариб олишимиз зарур.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов, вилоят маънавият-тарғибот маркази раҳбари Лола Саодатова, Қарши туман ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, партиямиз фаоли Дилором Умарова ва бошқалар ҳам партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш юзасидан фикрларини билдирдилар.

●●●

Вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Олим Равшанов Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Мурод КОМИЛОВ суратлари.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

миллий ғурур таянчи ва суянчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек таваллуд айёмлари муносабати билан бунёд этилган салобатли ансамблларни, Самарқанднинг 2750 йиллиги, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналарни, шу муносабат билан қадимий шаҳарларимизда амалга оширилган улкан яратувчилик ишларини бир эсга олинг. Худди шундай эзгу ишлар — кенг кўламли бунёдкорлик бугун гўзал пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан азим Тошкентда давом этаётир...

Қадриятлар ҳақида, уларни эъзозлаш ва жой-жойига қўйиш борасида қилинган беқиёс ишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бу борада қилинган ҳар бир иш таҳсинга сазовордир. Япония, Россия Федерацияси ва Озарбойжонда улуғ мутафаккир Алишер Навоийга, Мисрда Аҳмад Фарғонийга, Белгияда Ибн Синога ҳайкаллар қўйилиши миллий қадриятларимиз, тарихимиз ва халқимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзидир. Энг муҳими, бу эзгу ишлар ёш авлод тарбиясига хизмат қилмоқда, уларни улуғ аждодларимизга, Ватанимизга иззат-ҳурмат руҳида вояга етказмоқда.

Ғаффор ҲОТАМОВ

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

«ХИЗМАТИНГГА ҲОЗИРМАН, ЎЛКАМ!»

ёшлар ишли бўлди

Термиз шаҳридаги «Дўстлик» истироҳат боғида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида «Хизматингга ҳозирман, ўлкам!» деб номланган касблар фестивали ўтказилди.

— Тадбир доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 380 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Қодиров. — Шу куни 581 нафар йигит-қиз ишга жойлашиш учун йўлланма олди. 192 нафарига эса меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шундай тадбирлар туманларда ҳам ўтказилмоқда.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОРТДИ

«Наманган шарбати» қўшма корхонасида янги технология ўрнатилиб ишга туширилгач, бир кеча-кундузда ўнлаб тонна мевани қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Корхона мутахассислари пишиқчилик мавсумида имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, Россия ва МДҲнинг бошқа бир қатор давлатлари билан шартномалар тузди. Бугунгача 100 тоннадан ортиқ маҳсулот Қозоғистондаги харидорларга жўнатилди.

Қўшма корхонада олма, шафтоли, ўрик шарбати учун мевалар қабул қилиш ишлари авжида.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Ушбу лойиҳа бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Матлюба Махаметова тушунтириш берди.

Таъкидлаш жоизки, терговолди текширув муддатининг қисқалиги ҳамда муддатни узайтиришнинг қонуний механизми йўқлиги кўп ҳолларда жиноятга оид ариза ва хабарлар бўйича асоссиз қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлмоқда.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, чет давлатларда жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиш муддати айрим ҳолларда прокурор томонидан бир ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш мақсадида мазкур ҳужжат парламент қуйи палатасига киритилган.

«Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари томонидан қўшма аксилтеррор машқларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам батафсил муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳалар бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Умид Исмоилов маъруза қилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари томонидан қўшма аксилтеррор машқларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган эди. Битимда томонларнинг ҳудудларида террористик ҳаракат содир этилган ёки уни содир этиш хавфи юзага келган вақтда уларнинг биргаликда ҳаракат қилиши учун махсус аксилтеррор тузилмаларни тайёрлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ушбу Битимга киритилган қўшимча шартга мувофиқ, аксилтеррор машқларда кузатувчи мақомида иштирок этади.

Депутатлар «Зарафшон шаҳар чегара лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қарори лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акром Жумаев сўзга чиқди. Унинг таъкидлашича, Зарафшон шаҳрининг муҳим иқтисодий ҳудуд экани ҳисобга олиниб, шаҳарни янада ривожлантириш мақсадида унинг Томди тумани билан чегараларига яна бир бор аниқлик киритилмоқда. Шаҳар ҳудуди бироз кенгайиб, инфратузилмани ривожлантириш, муҳим ижтимоий объектларнинг қурилиши учун шароит туғилмоқда.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУҒ ИМОРАТЛАРИ

Қурилиш-тиклаш ишлари бажарилган мактабларнинг 1326 таси шаҳарларда, 6887 таси қишлоқларда, 287 таси эса борилиши қийинроқ бўлган ҳудудларда жойлашган.

Ўтган беш йилда мамлакатимиздаги энг улуғ 9765 та иморатнинг, яъни мактабнинг 8500 тасида қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди. Жумладан, 351 та янги мактаб биноси қурилди, 2470 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди, 3607 та мактаб биноси мукаммал таъмирланди ва 2072 та мактаб биноси жорий таъмирдан чиқарилди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозим, маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар ташаббуси туфайли мактаблардаги қурилиш-тиклаш ишлари режада белгиланганига нисбатан кўпроқ бўлди. Масалан, 325 та эмас, 351 та мактаб янгидан барпо этилди.

Бу даврда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида мактабларни замонавий ўқув мебеллари ва фан хоналарини асбоб-ускуна, керакли ашёлар, ўқувчиларни дарсликларнинг янги авлоди билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда мактабларимизда 6709 та компьютер, 9390 та биология хоналари, 9487 та кимё ва 9875 та физика лабораторияларининг мавжудлиги сифатли таълим-тарбия беришга зарур шарт-шароит яратилганидан далолатдир. Биргина 2008-2009 ўқув йили учун 243 номда 16190733 нусхада дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг чоп этилгани дарсликлар янги авлодини яратиш юксалганидан дарак беради.

Давр билан тенгма-тенг қадам ташлаш мақсадида Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари такомиллаштириб бориляпти. 2008-2009 ўқув йилида турли ҳудудларимиздаги 26 та мактабда 31 та фан бўйича тажриба-синов ишларининг бешинчи босқичи ташкил қилинди.

Албатта, мактабда таълим ислоҳотининг муваффақиятли кечиши ҳар бир ўқитувчининг билими, малакаси ва жонкуярлигига боғлиқ. Мамлакатимизда малакали педагог кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва бошқа ихтисослик бўйича қайта ўқитиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида самарали тизим яратилди. Ўқитувчилар малакаси 15 та малака ошириш институти ва таянч мактаблари қошида ташкил қилинган 70 та ўқитишнинг таълим-ресурс маркази томонидан амалга ошириляпти. Эндиликда педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга келтирилди.

Президентимиз қарорига биноан, 2006 йил 1 январдан ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг такомиллашган тизими жорий этилди. Шу мақсадда биргина 2009 йилда мактаблардаги Директор жамғармасига 135 миллиард 310 миллион сўм ажратилди ва бу маблағ 212568 нафар илғор ўқитувчига устама ҳақ сифатида бериб бориляпти.

Фарзандларимизнинг билим олиши билан бирга, жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши оиламиз учун ҳам, мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу мактаблардаги жисмоний тарбия дарси ўтилишининг сифатига, спорт заллари, майдонларининг мавжудлиги ва уларнинг қандай жиҳозланганлигига боғлиқ. Ҳозирги кунда мактабларда 25509 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб, улар 6099 та спорт залида машғулот ўтказишяпти. Бундан ташқари, 426 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари бўлиб, уларда 8567 нафар мураббий меҳнат қилаяпти. Хуллас, мактаблардаги 5108217 нафар ўқувчидан 2226568 нафари дарсдан ташқари вақтда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаяпти.

Ўқувчиларнинг ўзлари севган жисмоний машқ ва спорт турлари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг хизмати катта. Жамғарма томонидан 2003-2008 йилларда 173 та спорт мажмуаси бунёд этилди, 498 та мактабда спорт зали ва 224 та спорт иншооти реконструкция қилинди. Жорий йилнинг ўзида 6 та спорт мажмуаси, 174 та мактабда спорт зали ва 6 спорт иншоотини қуриб-таъмирлаб, болалар ихтиёрига топширди. Шунингдек, 21 та сузиш ҳавзаси қайтадан таъмирланди. Ўтган қисқа вақт ичида жамғарма томонидан 7604 та спорт тадбири-мусобақалари ташкил қилиниб, уларда 4546426 нафар ўқувчи қатнашди. Айниқса, жамғарма ташкил этаётган «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўқувчилар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетаяпти.

Юртимизда Истиқлолнинг улуғ иморатлари — муҳташам мактаблар кетма-кет бўй чўзаяпти. Улар шаҳар-қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиши баробарида қалбларимизда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлаяпти. Чунки бу мактабларда Ўзбекистонимиз буюк келажагининг қурувчилари бўлган азиз фарзандларимиз таълим-тарбия олишяпти. Шундай экан, мамлакатимиздаги таълим ислоҳоти давом этади, ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларни камол топтириш учун дунёдаги ҳеч бир ўқув даргоҳидан қолишмайдиган муҳташам мактаблар қурилаверади.

Асрор МЎМИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимизда амалга оширилаётган таълим islоҳотлари янада жадаллашди. Жумладан, кўпгина қишлоқларимизда янги коллежлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Жомбой туманининг Бойбоғиш қишлоғида компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи қуриб битказилди. 615 ўринли таълим масканида 5 йўналиш бўйича касб-ҳунар ўргатилади.

— Барча қулайликларга эга, замонавий илм масканини қисқа фурсатда қуриб, вилоятда биринчилар қаторида топширдик, — дейди «Кристалл-Самарқанд» МЧЖ раҳбари Жалолхон Исаев. — Бу ерда 250-300 нафар қурувчи икки сменада меҳнат қилишди. Ишнинг сифати буюртмачиларга манзур бўлди. Коллежда замонавий спорт зали, турли фанлар учун лабораториялар, лингафон хоналари мавжуд.

Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясидан олинган маълумотларга кўра, Давлат мустақиллигининг 18 йиллик кутлуғ тўйи арафасида Самарқандда 23 та коллеж, 1 та лицей, 7 та мактаб бинолари қуриб битказилади. Шунингдек, жорий йилда 89 та мактаб қайта реконструкция қилиниши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача улардан 60 таси тахт ҳолга келтирилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●●●

Янгиариқ туманининг Қўриқтом қишлоғида 450 ўринли қурилиш ва транспорт коллежи янги ўқув йилида ўз бағрига илк талабаларни олади. «Жайҳунқурилиш» ташкилотининг 120 нафар бунёдкори қисқа муддатда бу ерда 2,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди.

Боғот туманининг «Ўғизравот» ва «Қораянтоқ» қишлоқлари кесишган манзилда ҳам айнан шу йўналишдаги янги коллеж қурилиб, ишга туширилди.

Бу таълим масканларида билим оладиган ёшлар айни пайтда турли транспорт воситаларини бошқариш сирларини ҳам ўрганади. Уларга профессионал ҳайдовчи гувоҳномаси ҳам берилади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қилмиш — қидирмиш

«БУ КИШИ АГЕНТЛИК ХОДИМИ...»

фирибгарлар ўз жиноий шерикларини Корея давлатида ишлаш истагида бўлганларга шундай деб таништирган

2006 йил. Кузнинг айни пишиқчилик палласи. Ҳаво иссиқ. Ҳар ким ўз юмуши билан банд. Ана шундай кунларнинг бирида Чирчиқ шаҳрида яшовчи Реймбой Жуманиёзов анчадан буён ўйлаб юрган шум ниятини амалга оширишга киришади. Ёнига жиноий шериги А.Қурбоновни чақириб режасини айтади:

— Гап бундай, оғайни. Эртага йўлга тушасан. Хоразм ва Бухорога бориб, у ердаги танишларга Кореяга ишга юбориш имконияти бор, деб айт. Ҳозир ваколатли идорадаги оғайниларимиз (аслида умуман йўқ) Ташқи меҳнат миграцияси агентлигини текшираяпти. Улар орқали 40 нафар кишини чет элга ишга жўнатамиз, десанг ишонишади. Одам топсанг айт. Тезда Тошкентга етиб келсин. Ҳа, айтгандай, Кореяга жўнатиш харажати эсингдан чиқмасин — ҳар бир кишига 4000 доллардан.

«Вакил» йўлга чиқади. У Реймбой Жуманиёзов айтган гапларни «ўлжа»ларига оқизмай-томизмай етказади.

— Яна бир гап, — дейди А.Қурбонов ўзини «қонуний» йўл тутаётгандай кўрсатиб, — ҳужжатларингни вилоят паспорт столига топширинглар. Визани ҳал қилиш учун ҳозир 50 доллардан берасизлар.

Хоразмлик йигитлар унинг гапига ишонишади. «Паспорт, виза», деяпти-ку, дея тезда 1400 долларни фирибгарнинг қўлига тутқазишади.

Режа Реймбой Жуманиёзов «сценарий»си бўйича бораётганди. Дарҳақиқат, «катта» (Реймбой Жуманиёзов «RAMAZAN FAYZ» шўъба корхонаси директори эди) «тўғри йўл»ни танлаган экан. Кўп ўтмай хоразмлик бир автобус йигитлар Кореяга кетамиз, деб Тошкентга йўл олишди. Бу хабарни эшитган Реймбой Жуманиёзов «вакил»га ташаккурлар айтиб, «Хоразмлик болаларни Вузгародокка йиғинглар», деб кўрсатма беради.

— Тезда миграция агентлиги номига ариза ёзиб беринглар, — деди йиғилганларга Реймбой Жуманиёзов ўзини ҳар ишга қодирдай кўрсатиб. — Хабарларинг бўлса керак, у ердаги оғайниларимиз ҳозир агентликни текшираяпти. Кореяга жўнатиш масаласини зудлик билан ҳал қилишимиз керак. Шунинг учун аввало уларнинг ҳақини беришимиз лозим. Тушунарлими?

Йигитлар жами 8000 доллар йиғиб беришди.

Фирибгарлар — Р.Жуманиёзов ва унинг жиноий шериклари Х.Абдуллаев, И.Очилов ва А.Қурбоновлар уларнинг пулини шилиш учун кунига бир найранг қўлларди. Ниҳоят, У.Бекчанов, М.Салаев, Т.Юсупов, Д.Рўзметов, Ф.Бобожонов, М.Асқаров, Ж.Машарипов, А.Жуманиёзов сингари йигирмага яқин йигитни Юнусобод туманидаги ижарага олинган квартирага «таклиф» қилишди.

— Мана, Кореяга кетишга шартнома. Ҳар биринг ўз қўлинг билан тўлдир.

«Шартнома»ни кўрган йигитлар хурсанд бўлиб, қоғозни тўлдириб беришди.

Нафс балосига йўлиққанлар иш изловчиларни яна талашди.

— Ҳар бирларинг қўшимча яна 500 доллардан берасанлар. Кореяга жўнатишнинг ўзи бўлмайди. Харажати бор...

Ноилож қолган йигитлар бу гал ҳам 8000 долларни қўшқўллаб фирибгарларга тутқазишди. Қизиқ томони шундаки, фирибгарлар ўзларидан шубҳаланмасликлари учун хоразмлик йигитларни агентлик биноси ёнига йиғиб, шериклари А.Муҳиддиновни миграция агентлиги ходими, деб таништирган. Бу ҳам етмагандай, уларни алдаб агентликнинг ҳисоб-рақамига қарийб 10 миллион сўм пул тўлаттиришган.

Хуллас, хоразмликларнинг «пўстаги»ни қоқиб бўлишди. Энди эса «қўриқ ер» очмаса бўлмайди. Реймбой Жуманиёзов «ишончли вакили» А.Қурбоновни Бухорога — «ов»га жўнатаркан, тайинлади:

— «Эски ашула» эсингдан чиқмасин-а. Ишонтир. Қанча кўп одам топиб келсанг, даромадимиз ҳам шунча кўп бўлади.

А.Қурбонов Бухоро вилоятига боргач, у ерда Р.Акрамов билан танишади. Гап орасида Кореяга ишга юбориш қўлидан келишини, ҳозирги кунда яқин оғайнилари Ташқи меҳнат миграцияси агентлигини текширишаётганини қистириб ўтади. Унинг гапига лаққа тушган Р.Акрамов ўзининг қариндош ва танишларининг ҳар биридан 50, жами 300 долларни олиб Тошкентга жўнайди.

— Визани тез кунда ҳал қиламиз, — дейишди фирибгарлар Р.Акрамовдан 300 долларни олишаркан. — Бу ёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Орадан бир неча кун ўтгач, улар «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ёнида яна учрашишди. Бухоролик олти нафар фуқаронинг 6000 долларини олиш учун унча «тер» тўкилмади. Алдаш ва фирибгарликни ўзларига касб қилиб олган Р.Жуманиёзов, Х.Абдуллаев, И.Очилов ва А.Қурбоновлар ҳеч тап тортмасдан яна бухоролик йигитларнинг 2000 АҚШ долларини олиб, ўзлаштириб юборишди.

Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи фуқаролардан жами 36 700 АҚШ доллари ва 700 000 сўм, Бухоро вилоятидан келганлардан эса 16 300 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан алдаб олганлар.

Суд жиноий гуруҳ аъзоларига қилмишига яраша жазо тайинлади.

Орамизда содда, ишонувчан инсонлар бор. Улар юқоридаги сингари фирибгарлар тузоғига тушиб, сўнг афсус чекишмоқда. Чет элда ишлаш истагида бўлганларнинг дуч келган одамнинг гапига ишониб кетаверишларини оқлаб бўлмайди. Қайси ташкилот ёки идора хорижга ишга жўнатиш ваколатига эга? Бу ҳақда қаерга, кимга мурожаат қилиш керак? Агар жабрланувчилар ана шу масалага жиддий қараганларида эди, юқоридаги каби овора-сарсон бўлмасди, пулларидан айрилмасди...

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ГРУЗИЯ МДҲ ТАРКИБИДАН ЧИҚДИ

Бу ҳақда расмий қарор қабул қилинди

Шу пайтгача Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 12 та давлатни ўзига бирлаштирган эди. Энди уларнинг сони биттага қисқарди, Грузия 18 август куни МДҲ таркибидан расмий равишда чиқди. Мамлакат парламенти бу борада қарор қабул қилди.

Шарҳ

Грузиянинг МДҲ таркибидан чиқиши Ҳамдўстликнинг обрўсига путур етказадими? Ёки ташкилот фаолиятига салбий таъсир этадими?

Аслида бирор бир ташкилотнинг нуфузи унга аъзо давлатлар сони билан эмас, балки амалга ошираётган ижтимоий-сиёсий ва дунёвий аҳамиятдаги ишлари салмоғи билан ўлчанади. Шундай экан, Грузиянинг ташкилотга аъзоликдан чиқиши ташкилот обрўсига соя солмайди. Негаки, МДҲга аъзо бўлиб кириш ёки унинг таркибидан чиқиш ҳар бир мамлакатнинг ўз ихтиёрида. Бундан ташқари, ташкилот фаолиятига салбий таъсири ҳам йўқ. Чунки Грузия ташкилотга аъзо давлатлар билан икки томонлама алоқаларни сақлаб қолиш тарафдори ва МДҲга аъзо давлатлар ҳам бундай алоқалардан манфаатдор.

Хўш, ундай бўлса, Грузия нега таркибдан чиқди?

Грузия Ташқи ишлар вазирлигининг тушунтиришича, бунга ўтган йил августда МДҲга аъзо давлат — Россия томонидан ташкилотга аъзо иккинчи давлат — Грузияга нисбатан қарши олиб борган 5 кунлик ҳарбий ҳаракатлари (Абхазия ва Жанубий Осетияга киритилган Грузия ҳарбий кучларини ҳududдан чиқариш учун олиб борилган ҳарбий ҳаракатларни назарда тутмоқда) ва Абхазия ҳамда Жанубий Осетия мустақиллиги Россия томонидан тан олингани сабаб бўлган эмиш.

Аслида ҳам шундайми?

Сиёсий воқеалар ва жараёнлар ривожини таҳлил қиладиган бўлсак, бошқача манзара акс этиши ҳаммага маълум. Яъни Грузияда ҳокимият тепасига Михаил Саакашвили келгач, унинг маъмурияти Европага ва Евроатлантика таркибига, аниқроғи, НАТОга яқинлашиш учун ҳаракатлар бошланди. 2006 йил февралда Грузия НАТОга аъзо бўлиб кириш ниятида эканлигини ва бир вақтнинг ўзида иккита ҳарбий ташкилотга аъзо бўлолмаслигини билдириб, «МДҲ мамлакатларининг мудофаа вазирлари кенгаши» таркибидан чиққанди.

Демак, МДҲ таркибидан чиқиш сабаблари 2008 йил августдаги воқеаларга эмас, балки анча аввалги жараёнларга бориб тақалади. 2008 йил августдаги воқеалар эса бу жараённи тезлатди, холос. Яъни ўшанда Грузия президенти М.Саакашвили Грузиянинг МДҲ таркибидан чиқиши ҳақида баёнот берганди. 2008 йил 14 август куни эса президентнинг бу ташаббусини Грузия парламенти қўллаб-қувватлади. 18 августда республика Ташқи ишлар вазирлиги Грузиянинг МДҲ таркибидан чиқиши тўғрисидаги нотани МДҲ Ижроия қўмитасига маълум қилди.

МДҲ уставига кўра, ташкилот аъзосининг ташкилотга аъзоликдан чиқиши ёзма равишда билдирилган нотадан сўнг 12 ой ўтгач расмий амалга оширилади, яъни ташкилотга аъзоликдан чиқади.

Аммо Грузия Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, республика МДҲга аъзо мамлакатлар билан икки томонлама дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини узмайди. Ҳудудий яхлитлик ва давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, чегаралар бузилмаслиги, мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига амал қилган ҳолда муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб боради.

Ўз-ўзидан аёнки, МДҲга аъзо ҳар бир давлат ҳам бундай алоқалардан манфаатдор ва айнан шунинг тарафдори.

Шу ўринда эслатиб ўтсак: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги собиқ совет давлати парчалангач, ташкил топган. МДҲ тўғрисидаги Декларация 1991 йил 21 декабрда Алмати шаҳрида Арманистон, Беларусия, Молдова, Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Украина, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарлари томонидан имзоланган.

1993 йил 8 октябрда Грузия Республикасининг ўша пайтдаги президенти Эдуард Шеварднадзе МДҲга аъзоликка қабул қилишларини сўраб, ёзма равишда мурожаат қилгани боис 1993 йил 3 декабрда Грузия МДҲга аъзоликка қабул қилинган.

Собиқ шўро давлати таркибида бўлган Латвия, Литва ва Эстония МДҲга аъзоликка кирмаган.

Алимқул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бош бошқармаси биносининг тўсиқ деворлари ва фасад қисмларини реконструкция қилиш	207 656 252 сўм	173 046 877 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари Марказий банк Самарқанд вилоят бош бошқармасининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бош бошқармаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 19-уй, телефон: (8-366) 233-14-51.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилоят, Наманган шаҳар, 4-кичик ноҳиясидаги болалар касалхонасини вилоят ОИТС марказига мослаштириб қайта қуриш.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан— 424 946 951 сўм.

Объектни якунлаш муддати – 2009 йил 20 декабрь.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш маҳаллий маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предмети қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибасига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга шартнома тузиш юзасидан фуқаролик- муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматлар)ни таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хорижий товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси— Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй. Тел/факс (8-369) 226-14-50, 226-47-91** мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ВИЖДОН АМРИ БИЛАН ЯШАДИ

Ўзбек матбуоти ва маданияти тарихи ҳақида гап кетганда Муҳаммад Ҳасанов номи ҳам ҳурмат билан эсга олинади. Ўтган асрнинг 40-йилларида етакчи газеталаримизга муҳаррирлик қилган бу камтарин инсон миллий матбуотимиз, таржимонлик ва ноширлик соҳаларида хайрли ишларни амалга оширганди.

Муҳаммад Ҳасанов (Муҳаммад Ҳасан) 1904 йили Тошкентда ўқитувчилар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Фаттоҳ ака ҳам, онаси Тоибахоним ҳам Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги мактабларнинг бирида болаларга таълим беришган. Муҳаммад рус тилидаги мактабда ўқиб, унинг деворий газетасида шеър ва мақолалари билан қатнашган кезларидаёқ ёзув-чизувга айрича ихлос қўйганди. Аммо 1922 йилда отаси вафот этгач, унинг журналистлар тайёрлайдиган ўқув юртига кириш орзуси амалга ошмай қолди. 18 ёшли йигит 5 кишилик оилани боқиш учун онасига ёрдам бериш мақсадида ишга кирди.

У меҳнат фаолиятини Россия телеграф агентлигининг Эски шаҳарда тайёрланадиган газетасида бошлади. Ўзбек тилини яхши билмаган йигит рус тилидаги телеграф хабарларини дастлаб луғат ёрдамида ўзбекчага ўгирди. Кейин Абдулла Қодирий ва Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг ёрдами билан ўзбек тилини пухта ўрганди. 1924 йилдан бошлаб «Туркестанская правда», «Туркистон» газеталарида адабий ходим, бўлим мудири бўлиб ишлади. Бу даврда у рус тилидаги кўплаб расмий материалларни ўзбек тилига таржима қилиш билан бирга ижтимоий мавзуларда мақолалар ҳам ёзди.

Шундан сўнг Муҳаммад Ҳасанов ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида ишлай бошлади. Давр тақозоси билан 1925 йил февралида мазкур газета қошида «Камбағал деҳқон» деган кичик газета чиқарилади. «Газетани чиқаришда, — деб ёзган эди Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1917)» деган китобида, — унинг ҳозирги муҳаррир ўринбосари ўртоқ Муҳаммад Ҳасанов кўп жонбозлик кўрсатди. Бу ойдан-ойга, йилдан-йилга қишлоқ оммасининг маданий даражаси кўтарилиши билан бир қаторда ўсди... Бу газета ҳар бир қадамида камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар манфаатини кўзлаб, уларга ҳар жиҳатдан маслаҳат бериб келди».

Самарали журналистик фаолияти ҳисобга олиниб, Муҳаммад Ҳасанов ҳукумат матбуот бўлимига мудир ўринбосари этиб тайинланди. Марҳум журналист Холбек Ёдгоровнинг ёзишича, М.Ҳасановнинг бўлимда ишлаган пайтлари ўзбек матбуотининг гуриллаб ўса бошлаган йилларидир. Шу йилларда у «Аланга», «Мухбирлар йўлдоши», «Ёрқин ҳаёт» каби журналларнинг ташкил этилиши ва халқ ўртасида эътибор қозонишига муносиб ҳисса қўшган.

Муҳаммад Ҳасанов 1930 йилда ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига муҳаррир этиб тайинланган. Аммо кўп ўтмай, 1931 йилда Москвага ўқишга юборилган. 1932 йил охирида республика раҳбариятининг таклифи билан она юртига қайтиб келган Муҳаммад Ҳасанов ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида яна муҳаррир лавозимида хизмат қила бошлайди. У 1934 йилдан эътиборан «Муштум» журналига, 1936 йилнинг декабрь ойидан эса «Правда Востока» газетасига раҳбарлик қилади.

У республикамизнинг икки етакчи газетасини бошқарган йилларда муҳаррирлардан «ички душман»ни ва улар «жойлашиб олган» муассасаларни кескин фош этувчи мақолаларни босиш, яъни жамиятни 1937 йил даҳшатларига тайёрлаб бориш талаб қилинар эди. Шундай оғир йилларда Муҳаммад Ҳасанов сингари виждонли муҳаррирларга осон бўлмаган. Унинг шу даврдаги фаолиятидан яхши хабардор бўлган журналистлардан бири, марҳум Тўлқин Рустамов дил сўзларини бундай ифодалаганди:

«У ишдан ҳечам чарчамасди, кунни тунга улаб, эртага чиқадиган газетанинг саҳифаларини ўқиб, имзо чекар, баъзан уйида озгина ҳордиқ чиқариб, яна редакцияда ҳозир бўлар, ўзини дадил тутиб, ишга кўмилиб кетарди. Ғайратига, чидамига қойил қолардик. Уни мамлакатимизда содир бўлаётган ва сабаби нималигига киши ақли бовар қилмайдиган иғво, ғийбатларга тўла воқеалар адойи тамом этаётганини сезардик. Яқиндагина «Правда Востока» газетасига муҳаррир этиб тайинланганди. Газетада расмий материалларни мустасно этганда, «халқ душманлари» ҳақида уйдирма материалларнинг чиқишига анчагина чек қўйган, баъзиларини юқоридан тазйиқ бўлса-да, чиқартирмаганди».

Республикадаги «ҳушёр кишилар» партия ва ҳукуматнинг «юксак ишонч»ини оқламаётган муҳаррир тўғрисида тегишли идораларга, Москвага хат ёзадилар. 1937 йил 3 сентябрда «Правда» газетасида «Буржуа миллатчиларининг ҳомийлари ва шериклари» деган мақола эълон қилинади. Унда «Правда Востока» газетаси ва унинг муҳаррири кескин танқид остига олинган, Муҳаммад Ҳасанов «халқ душманлари», «буржуа миллатчилари» ҳимоячиси сифатида қаттиқ қораланган эди. «М.Ҳасанов «Обид кетмон» романига қарши ёзилган тақризни юмшатиб, силлиқлаб чиқарди, — деб ёзилган эди газетада. — Қурбон Берегин ва Мўмин Усмонов ҳақидаги мақолани эса босиб чиқармади...»

Муҳаммад Ҳасанов мазкур мақола босилган кунлар Есентукидаги санаторийларнинг бирида даволанаётган эди. У ўша куннинг эртасигаёқ «зудлик билан етиб келинг», деган телеграмма олиб, Тошкентга қайтиб келди. У дарҳол партиядан ўчирилиб, ишдан олинди. Куни кеча ўзи муҳаррирлик қилган газеталар унинг «халқ душмани» Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига муҳаррирлик қилгани, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Аъзам Аюб, Санжар Сиддиқ сингари «унсурлар»ни газетага, «Ер юзи», «Муштум», «Ёрқин турмуш» журналларига жалб этгани ва бошқа «айб»ларини фош эта бошладилар.

Муҳаммад Ҳасанов 1937 йилнинг 26 сентябрь куни қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида Абдулла Қодирий билан бир кунда отилган.

Қатағон тўлқини авж олган кезларда сиёсат оламидан узоқ бўлган санъат арбоблари ҳам қамоққа олинган эди. Шулардан бири Навоий портрети муаллифи Ўзбекистон халқ рассоми В.Кайдалов бўлиб, у ўша йилларда М.Ҳасанов билан бир камерада ётган. У кейинчалик М.Ҳасанов фарзандларига шундай деган экан: «Отангиз билан қамоқхонада бир камерада ўтказган уч кеча кундузни асло унутмайман. Отангизнинг темир иродаси мени ҳайратга солган. Қамоқдаги маҳбуслар руҳи синиқ, дилхаста, айримлари йиғлагани йиғлаган эди. Ҳасанов ҳаммамизнинг кўнглимизни кўтаришга уринарди. Сабрнинг таги олтин, деб таскин берарди. Учинчи куни кечаси: «Ҳасанов, нарсаларингни олиб, бу ёққа чиқ!» — деб буйруқ беришди. Шундан кейин унинг тақдири нима бўлганини билмайман».

Холбек Ёдгоров собиқ касбдоши ҳақидаги мақолаларининг бирида у ҳақда бундай самимий сўзларни ёзган эди: «Муҳаммад Ҳасанов ҳаётда, турмушда ўзининг юксак маданияти, оқилона фикр юритиши, доноларга хос синчковлик таланти, ниҳоятда камтарин, мулойим ва меҳрибонлиги билан кўпчиликнинг ҳурматига, ишончига сазовор бўлган эди. Унинг ўз касбдошлари, дўстлари билан самимий муносабатда бўлиши етук кишиларда, чин инсонда учрайдиган ноёб фазилатлардир».

Виждон амри билан яшаган бундай инсонлар номини эслаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Наим КАРИМОВ

СПОРТ

ҚОСИМЖОНОВ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Мамлакатимиз спортининг фахри Рустам Қосимжоновнинг Арманистондаги Жермук шаҳрида давом этаётган 5-Гранпри мусобақасида муваффақиятли қатнашаётгани тўғрисида хабар бергандик.

Қосимжонов 8-турда россиялик кучли гроссмейстерлардан бири Евгений Алексеев билан durangга имзо чекди. 9-турда оқ доналарни бошқарган ҳамюртимиз болгариялик Иван Чепаринов билан бўлган ўйинда ташаббусни ўз қўлига олди ва 42-юришда рақибини таслим қилди. Бу турдаги қолган учрашувлар дуранг билан якунлангани учун Рустам пешқадамлар қаторига кўтарилди.

Шундай қилиб, мусобақанинг 9-туридан кейин қатнашчилар қуйидаги тартибда жойлашишди: Қосимжонов (Ўзбекистон), Иванчук (Украина), Леко (Венгрия) — 6 тадан очко; Аронян (Арманистон), Карякин (Украина), Алексеев (Россия), Эльянов (Украина) — 5 тадан; Гельфанд (Исроил), Бакро (Франция) — 4,5 тадан; Яковенко (Россия) — 4; Акопян (Арманистон), Камский (АҚШ) — 3,5 тадан; Чепаринов (Болгария) — 3; Инаркиев (Россия) — 2 очко.

10-турда Қосимжонов қора доналарда Гата Камскийга қарши дона сўради.

ЙИРИК ҲИСОБ ВА КУТИЛМАГАН МАҒЛУБИЯТ

Мамлакат чемпионатининг олий лига футбол жамоалари ўртасидаги 17-тур учрашувлари муросасиз ўтди ва уларда кутилмаган натижалар ҳам қайд этилди.

«Нефтчи» футболчилари ўз майдонида «Сўғдиёна» дарвозасига жавобсиз 7 та тўп йўллади. «Бухоро» жамоаси эса ўз майдонида «Локомотив» футболчиларига ютқазиб қўйди — 2:3. Олмалиқдаги учрашувда пахтакорчиларнинг сўнгги дақиқада гол ўтказиб юбориб , ютқазиб қўйиши бунёдкорчиларга қўл келди. «Бунёдкор» ўз майдонида «Металлург»ни 4:1 ҳисобида енгиб, «Пахтакор»дан 15 очко ўзиб кетган ҳолда карвонбошилик қилаяпти. Учинчи ўрин учун кураш олиб бораётган «Хоразм» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳисоб очилмади.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Шўртан» — 2:1, «Қизилқум» — «Динамо» — 2:0, «Машъал» — «Навбаҳор» — 3:1.

(Ўз мухбиримиз)

SPORT

ФЕСТИВАЛГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН БОРАЯПТИ

Оммавий саҳнада 2 мингга яқин санъаткор, ижодкор ёшлар иштирок этишади. Навбатдаги мусиқа фестивалида юртимиздан 3 нафар ялпи овозлар қатнашиши режалаштирилган.

Фестиваль муносабати билан республикада мақом ижрочилиги мактаби янада такомиллашмоқда. Рақс санъати ривож топаяпти. Чунки, репетицияда қатнашаётганларнинг аксарияти санъат соҳасидаги ўрта махсус ва олий таълим даргоҳлари талабалари. Улар учун бу фестиваль ҳақиқий дорилфунун вазифасини ўтаяпти. Бу ерда ёш ижодкорларга республикадаги тажрибали, ўз соҳасининг уста-билимдонлари, мусиқа ва рақс санъатининг дарғалари санъатнинг барча сир-асрорларини ўргатишаяпти.

Ўзбекистон қадимдан Шарқда довруғ солган, башарият тамаддунида «Мақом» санъати сифатида ўчмас из қолдирган мусиқий мўъжизага тамал тоши қўйган юртдир. Буюк аждодларимиз Маҳмуд аш-Шерозий, Аҳмад Қонуний, Султон Муҳаммад Удий, Хожа Муҳаммад Кавкабий, Султонали Найий, Сафуниддин ал-Урмавий каби буюк алломалар бу санъатни дунё маданияти дурдоналари даражасига кўтариб, унга умрбоқийлик бахш этганлар. Мустақиллик сабабли бу умрбоқийлик бардавом бўлмоқда. Ҳадемай, дунё мақом маркази ҳисобланган Самарқандда «Шарқ тароналари» янграб, нафақат халқимизнинг, балки дунёнинг бой мусиқа мероси олам бўйлаб таралади.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юз билан юзлашган

> **— 1890 йилнинг эрта баҳорида Шеробод туманидаги Хомкон тоғ бағридаги қишлоқда дунёга келган эканман, — дейди Гулсара момо. — Ўшанда кўклам фасли бўлганиданми, мени Гулсара деб аташган.**

УЧ АСРНИ КЎРГАН МОМО

Қумқўрғон тумани, «Навбаҳор» маҳалласида истиқомат қилувчи Гулсара момо Бекмуродова 119 ёшни қаршилади

Отамни Эрўғли мерган дейишарди. Овчиликда падаримга тенг келадиган киши кам бўлган. Улоқ чопиб, давраларда кураш тушган. Раҳматли алп келбатли эди. Онам Гулнор момо ҳам оилапарвар аёл бўлган. Рўзғор тебратиш, фарзандлар тарбияси, саранжом-саришталикни аввал деб билган. Уларнинг розилиги билан 1900 йилнинг саратонида Бекмурод исмли йигитга нон ушатилди. Орадан 5 йил ўтгач, келин бўлдим. Биласизми, ўша даврларда турмуш кечириш ниҳоятда оғир эди. Қимматчилик билан қаҳатчилик басма-бас келган дамда тўй қилдик...

Болам, у замонларда «асал ойи» деган гаплар ҳам бўлмаган. Тўйнинг эртасигаёқ эр-хотин ғалла ўришга кетганмиз. Кечалари эса алламаҳалгача бошоқ терардик. Бундан ташқари, қўй, ўнга яқин соғин сигир, уюр-уюр отга қарар эдик. Кундузи улгурмаган ишларни тунда давом эттирардик. Кейин бирин-кетин фарзандли бўлдик. Маматмирзо, Маманазар, Мирзаёр, Ойхол, Ашируй...

Адашмасам, 1930 йилда Шерободдан Шўрчига кўчиб келдик. Оила тебратиш, қурғоқчилик тинкамадорни қуритарди. Даладаштлар чўлга айланиб, чорвага қирон келди. Шундай даврда уруш бошланди. Зоғора нон-у, қовурмоч егулигимиз эди. Тонг отгунча аскарларга махсус пахта пайпоқ тўқирдик. Ҳозиргидек тўкинлик қаёқда дейсиз. Аммо биз сабрли эдик.

Гулсара момо ҳаётининг ўзи бир китоб. У кишининг сўзларини тинглаб, инсон шукрона билан яшаши, умрнинг ҳар бир дақиқаси қадрига етиши кераклигини англайсан.

— Турмуш ўртоғим 1976 йилда вафот этгандилар, — дейди унинг келини Жангил Боратова. — Кенжа келин бўлганим боис, қайнонам биз билан яшайдилар. Уч аср билан юзлашган нуронийга барча ҳавас билан қарайди. Кўпчилик дуо олгани келади. Қайнонамнинг узоқ умр кўришларига аввало сабр-бардошли эканлиги, хотиржам ва феъли кенглиги сабаб бўлса керак, деб биламан. Очиққўнгил, одамохун, меҳрибонлик ҳам узоқ яшаш гарови. Бу киши яқин-яқингача уй юмушларига қарашардилар. Ҳозир ҳам соғлиқлари яхши. Овқат танламайди. Айниқса, ширинлик жону дили. Новвотни хуш кўради. Хонадонимизда беш авлод вакиллари бор. Ойхол ва Ашируй исмли қайинсингилларим 85-90 ёшда... Она, бола, невара,

Суратда: Гулсара момо Бекмуродова (чапда) келини Жангил Баратова билан.

Бахтиёр МИРЗАЕВ олган сурат.

эвара ва дуворалар тез-тез йиғилиб турамиз. Тўй бўлиб кетади. Дийдор яхши нарса-да...

— Хонадоннинг набира келиниман, — суҳбатни давом эттиради Зоҳида Маттиева. — Икки нафар фарзандимиз бор. Катта момомиз 119 ёшни қаршилаб, 120 ёшга қадам қўйдилар. Бу дегани 1430 ой, 6227 ҳафта, 43 минг 657 кун, 1 миллион 200 соатдан кўп умр, демак. У кишини Бойсундаги кўп йиллик чинорларга ўхшатаман. Йўқ, йўқ, хонадонимизнинг чинори, илдизи чуқур, танаси бақувват, барчага таянч бўлиб турган чинор...

— Тўкин-фаровон кунлар қадрига етинглар, — дейди Гулсара момо дуога қўл очар экан. — Меҳр-оқибат узилмасин! Элда тўйлар кўпайсин! Ризқу барака аримасин!

Умри ҳам, сабри ҳам чинордек узун ва мўътабар инсонларнинг дуоси, албатта, ижобат бўлғуси!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

БАНК «АСАКА» (ОАО) ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«Капитальный ремонт кровли здания ООО «Нафис либос» (бывшее СП «Лола модель») в г. Гулистане Сырдарьинской области».**

Стартовая стоимость заказчика: ***302 004 397 сум с учетом НДС.***

Срок завершения строительства: ***30 дней.***

Заказчик: Банк «Асака» (ОАО), расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. 1-й проезд, ул. Мукимий, 9.

Финансирование осуществляется за счет: собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – **ООО «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навоий, 22.**

Стоимость одного комплекта конкурсной документации сто тысяч сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу:

г. Ташкент, ул. Навоий, 22, тел: 8(371) 241-37-50.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по ниже указанному адресу.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании «Банк «Асака» (ОАО)», по адресу г. Ташкент, ул. 1-й проезд ул. Мукимий, 9.

Собир Раҳимов тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йил 7 апрелда №05-07336 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 445566376) якка тартибдаги тадбиркор Худойқулов Ширинбой Турсуновичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 7 февралда №01-00440 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 200660979) «МОМОСН» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Абдуллаева 9-уй манзилида жойлашган «FARSAVDOXIZMAT» хусусий фирмага тегишли бўлган реестр рақами 5-40/2006 сонли бино кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti	233-10-13
Madaniyat va sport	233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot	233-12-56
Reklama va e'lonlar	233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib	233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —	25-32-70
Buxoroda —	223-06-02
Gulistonda —	25-46-45
Jizzaxda —	227-48-35
Navoiyda —	223-83-73
Namanganda —	226-43-43
Nukusda —	222-77-21
Samarqandda —	35-02-55
Urganchda —	517-30-58
Farg'onada —	224-18-78
Denovda —	8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7876 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.40
1 2 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda